



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 7-dekabr, shanba № 147-148 (3341)

Биз таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, хурмат-эътибор билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган хурмат-эътиром ифодаси деб биламиз.
Ислом КАРИМОВ

Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадри дўстлар!
Авалло, мана шу ҳашаматли ва бетакрор бинода сиз, азизларим билан қўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур хурматим ва меҳримни билдириш — мен учун катта бaxт, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўлам.

Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаоси — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституцияимизнинг 21 йиллигини нишонлаш, Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияимиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституцияимиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида «ўзбек модели» деб ном қозongan, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда муҳасам топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодий-таълим мақсадларини қўллаш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзини ҳос жусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралаб туради.

Шулар ҳақида гапирганда, муҳим бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим. Демократик жараёнларни суъий равишда тезлаштириш, шовша-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қабул қилиш ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мумкин.

Сиёсий ислохотларимиз негизда турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда таъминлаштириб боришнинг иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривож учун ғоят қулай ва устувор шароитларни яратиш берад эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суъятларини тезлаштириш, аҳолиимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислохотларнинг асосий таъини ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синфни шакллантиришни кўзда туғамиз.

Ўз-ўзидан аёни, тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар натижасида эришилаётган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вақт керак, энг асосийси — бу ислохотларнинг мазмунини ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Такрор айтишга тўғри келади — фақатгина халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислохотларга куч беради.

Жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларимизнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаган» деган машҳур шioriлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Азиз юртдошлар!
Бугунги кунда Конституцияимиз муҳраб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз кифёсаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айна шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон борашига нисбатан ўсим 3 баробардан зиёдани ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).



Тараққиётимиз ва фаровонлигимизнинг ҳуқуқий асоси

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 6 декабр кунининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalарини, пойтахт жамоатчилигини, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Ийгилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий қафолати бўлиб келадиганини таъкидлади. Конституцияимиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжиҳатликда, ҳаётимизга янги мазмун ба-

ғишлаётган ислохотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган онгу-тафаккурда, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топомқда. Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиши — буларнинг барчасида Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.
(Давоми 2-саҳифада).

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Президентимиз Ислом Каримов 6 декабр кунини Оксаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оксаройда 6 декабр кунини ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, бугун мана шу муҳташам залда сиз, азизларни Конституция кунини билан табриқлаб, сизларга чуқур хурматимни изҳор этиб, барчангизга сиз ҳаёт-саломатлик, тинчлик-омонлик, янги-янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз, — деди Ислом Каримов. — Сиз, муҳтарам юртдошларимизни давлат мукофотлари билан шу байрам арафасида қутлаш, табриқлаш яхши бир одатга, аънанга айланиб қолди.

Бугун мана шундай тантанали маросимда сиз, азизлар ана шу юксак мукофотларни топшириш мен учун шарофатли вазифа бўлиб, сизларнинг қаторингизда ўзимга ҳам катта хурсандчилик етказмоқда, десам, кўнглимдаги гапни айтган бўлам.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бирга давлат мукофотларига сазовор бўлган барча юртдошларимизни бағримга босиб, уларни ҳам чин қалбимдан табриқлаш менга чуқур мамнуният етказди, деди Президентимиз.

Мамлакатимиз, эл-юртимиз олдимизда турган буюк юксак мақсадлар сари, демократик давлат, эркин жамият, обод ҳаёт қуриш йўлида дадил қадамлар қўйиб, қўлга киритаётган ютуқ ва марралар ал-

батта барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Жаҳон миқёсида глобал иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётганига, бу инқирознинг чуқур таъсирига қарама-қарши, Ўзбекистонимиз тараққиёт йўлида дунёда камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суъятлар билан ривож топиб бораётгани бугунги кунда ўзгаларнинг ҳавосини тортомқда, десам, айна ҳақиқатни айтган бўлам.

Биз қўлга киритаётган ютуқлар, авваламбор, иқтисодиётимизнинг барқарор суъятлар ва дадил қадамлар билан ўсиб бораётганининг натижасини ҳар қадамда халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб, юртимиз кифёсаси, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганида кузатиш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай туб ўзгаришларни турли-турли соҳаларда — бу қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва транспорт бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илму фан, маданият ва спорт бўладими, бизнес соҳасими, сизлар меҳнат қилаётган барча тармоқларда, ҳаётимизнинг ҳар қайси бўғинида қўриш мумкин.

Шу билан бирга, ҳеч кимга сир эмас, бундай ривож топиш, тараққиёт йўлида жадал илгариллаб бориш учун авваламбор қанча-қанча оғир меҳнат қилиш, қанча синовлардан ўтиш, керак бўлса, қанча-қанча ақл-заковат, мардлик ва матонат, ҳар биримизнинг ўз жойимизда бизга топширилган вазифани сидқидилдан адо этишимиз талаб қилинади, десам, бу фикрга сизлар албатта қўшилсиз, деди давлатимиз раҳбари.

Бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, биз қўлга киритаётган марраларнинг асосий мезони ва омили — бу биринчи навбатда одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқарашини, кайфиятини ўзгараётгани, ким учун,

нима учун меҳнат қилаётганини чуқур англаб бораётгани, сиёсий ва ижтимоий савияси ошиб бораётганининг натижаси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз сизларнинг тимсолингизда миң-миңлаб меҳнатчиларимизни — миришкор деҳқон ва фермерларимиз, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва муҳандисларимиз, меҳрибон устоз-мураббийлар ва домлалар, жонқур шифокорларимиз, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларидаги ютуқлари билан Ватанимизни дунёга танитаётган инсонларнинг энг муносиб намояндalарини кўрамиз.

Булар қаторида халқимизнинг тинч меҳнатини, осойишта ҳаётини кўз қорачиғидек асрашга бел боғлаган, Ватан ҳимоясини ўзи учун касб деб билладиган мард ва жасур ўғлонларимизнинг масъулиятли хизмати алоҳида эътироф этамиз, юксак қадраймиз.

Сўнгра Президентимиз Ислом Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун мен сизларнинг очик чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги бандан руҳни қуриб, очиргани айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек ҳурсанд бўлиб турибман, — деди Президентимиз. — Менинг ниятим, тилагим битта: кўксингизга ярашиб турган бу мукофотлар барчангизга буюрсин, сизларни янги-янги зафарларга руҳлантирсин. Халол меҳнат билан мана шундай юксак қадр топиш, элу юртимиз ардоғида бўлиш барчамизга насиб этсин. Ватанимизни, халқимизни доимо Яратганнинг ўзи асрасин! Барчангизга сиз ҳаёт-саломатлик, ишларингизга ривож, хонадонларингизга файзу барақа тилаймиз.

Тақдирланганлар юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва

(Давом. Бошланиши 1-саҳифада).
Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иктисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамастан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Утган давр мобайнида макроектисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилгани таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмапти, экспорт ва олин-валюта захираларимиз ҳамма кўпайиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий-ишловчи ҳисобига 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзига капитал инвестициялар ҳақида доллар ҳисобига қарийб 14 миллиардга яқин ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодий-ишловчидаги ижобий таркибий ўзгаришлар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозорига талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар даражасида.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобил йўллари, юз минглаб уй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодий жиҳатдан янада ривожланган, асосан пахта хомишаси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Бунинг яққол тасдиғи — мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибий таъсирининг ўсиши 1990 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этгани, яъни пайтада қишлоқ ҳўжалигининг ўсиши эса 34 фоиздан 17 фоизга кўпайганидир.

Биз учун муҳтобо янги бўлиши автомобил-созлик, моторсозлик ва уларга бўтулчо қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефт ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, энгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорига рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда.

Узининг аҳамияти ва моҳиятига кўра ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётимизда, аввало одамларимизнинг дунёқараши ва кайфияти, фикри зикри, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг граждонлиги ва сийсий оғи, ҳуқуқий маданияти ўсиб боради. Биз коммунистик мафкура асо-ратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларга эга, ҳаётга янги қарайдиган, собиқ мустабид тузумга ҳос тушунчалардан озод бўлиб воғяга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навиқрон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустақам ўрин олмақда ва мамлакатимизнинг тараққийи йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани аналтади? Биринчидан, бу амалий ишлар аввало мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва исчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодий-ишловчи барқарор суръатлар билан ўсаятганидан, Ўзбекистонимизнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кири-

ши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди, деб айтишга тўла асос беради. Иккинчидан, биз кўлга киритган марралар мустақил ривожланишининг ўтган даврида халқимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазибалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва исчил илгариллаб бориш нақадар тўғри бўлганини тасдиқламоқда.

Учинчидан, янги вақтда биз бир ҳақиқатни яхши англаймиз: албатта, замонавий Конституцияга, унда кўрсатиб берилган мақсад-муд-даоларга эришиш учун ишлаб чиқилган ажойиб Стратегияга эга бўлиш мумкин. Аммо, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бу йўлда тоғдек таянч бўлиб турмас, ўзининг айтинг аэиз дўстларим қадрдонларим, биз мана шундай юксак марраларни кўлга кирита олармидик?

Фақат халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонқурлиги ва қатъияти, одамларимизнинг беқийс меҳнати барчамизга ҳақли равишда фахру ифтихор бағишлайдиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини бери-

ди. Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, биз, азизларнинг барчангизга, сизларнинг тимсолингизда азму шижоатли, фидойи халқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннат-дорлигимни билдириб, таъзим қилишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар! Утган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, эришилган ютуқларга махлиб бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз, реал воқеликдан узилиб қолмаслигимиз зарурлигини, ўйламанки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Биз бугунги дунёда эгаллаб турган ўрнинимиз ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамохан тарзда боришимиз, ўз истикболимизга очик кўз билан қараган ҳолда қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябр ойида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёна-рининг қонуний ва мантқий давоми бўлди.

Мазкур Концепция, моҳият эътиборига кўра, узок муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сийсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини тақомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазибаларни белгилаб бери-

ди. Утган давр мобайнида бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича анча ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бундай ўзгаришларни барчамиз матбуотимизда ва телевидение орқали муҳокама қилинаётган лойиҳалар ва парламенти-миз — Олий Мажлисимиз қабул қилаётган кўпгина қонунлар мисолида кўришимиз, кузатишимиз қийин эмас, албатта.

Шу борада ўтган давр мобайнида парламенти-миз фаолиятини янада тақомиллаштиришга оид қатор тузатишлар қабул қилганимиз эътиборга сазовор, деб ўйлайман. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сийсий фракцияларнинг роли кучайтирилгани ва бугунги кунда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг фикр ва тақлифларини ҳисобга олмасдан туриб биронта ҳужжат қабул қилинмаслиги бу йўлда катта қадам бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун олдимизда турган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш вазибалари ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустақамлаш, керак бўлганда, махсус қонунларни қабул қилиш лозим.

Шу нуқтага назардан қараганда, «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини чуқур муҳокама қилиш ва уларни қабул қилишни тезлаштириш энг муҳим вазибаларимиздан биридир. Шулар қаторида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қарорлари тўғрисида»ги оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлайдиган, эркин ахборот майдонини ташкил қиладиган бошқа қонунларнинг муҳока-

масини тезлаштириш ва қабул қилиш даркор. Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустақамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли химоясини таъминлаш бўйича исчил ишлар амалга оширилди.

Авалло, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи чиқарилди. Жиноят ишини юритишда суд назоратини мустақамлаш, химоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмлари тақомиллаштиришда «Хабес корпус» институти қўлланишини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари амалга оширилмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов ҳулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди, судга ҳақ шижоатли босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурулов қарорларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига кўра, тазор-қидирув ишларини олиб боришнинг аниқ асослари белгиланди, бу жараёнда қонунчиликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчиликка йўл қўймайлиқ бўйича реал ҳуқуқий қарорлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ҳодимларининг ижтимоий химоясини тубдан яхшилаш, шунингдек, туман ва шаҳар умумий юрисдикция судларининг фаолиятини тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини мустақамлаш, замонавий демократик талабларга жаваб берадиган суд қадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг июн ойида қабул қилинган «Юридик қадрларни тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди.

Бугунги кунда, нодавлат «нотижорат» ташкилотлари демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари химоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилга айланмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 6 миңдан ортиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда. Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, яъни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўртасида муҳокама-лар ўтказилмоқда.

Бунинг яққол тасдиғини фуқаролик жамияти институти, оммавий ахборот воситаларининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан бўён ўтказилаётган ҳуқуқий таҳрибада кенг иштирок этаётганида кўриш мумкин.

Шулар ҳақида ва амалга ошираётган ишларимизнинг давоми ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимиз лозим.

Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сийсий ва конституцион ривожланишининг мантқий йўли ҳалқимиз, жамоатчилигимизнинг намоёндалари бўлиши вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш-

ни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни исчил давом эттиришни талаб этмоқда.

Айни шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат ҳамда куйи — Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текшириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сийсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шулар қаторида Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли ҳулосалар чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, пухта ўйланган бундай ислохотларни давом эттириш биз кўзлаган, яъни «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» тамойили — принципини амалга оширишда янги қадам бўлади.

Ижтимоий-сийсий ва иқтисодий тараққийнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сийсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазибаларини ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни исчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланмоғи зарур.

Бошқача қилиб айтганда, қўлпартияли тизим мустақамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш — биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланши даркор. Биз бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сийсий партияларни кўзда тутамиз. Сўз, аввало, ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сийсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий химоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозongan партия ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабр ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказилаётган умумхалқ сайловлари нўтайин назаридан алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни яқунлаб, ҳулоса қилар эканмиз, Конституция-миз муқаддимасига бугун яна бир бор мурожаат қилиш ўрнили бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу муқаддимада, жумладан, куйидаги қонид баён қилинган: «Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоғларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида юксак масъулиятини англаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойиш қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кеңиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўлаб, ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилди».

Мен бугун ушбу муҳтошам залда тўлпанган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бугун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман. Биз ўтган йиллар давомида амалга оширган барча эзгу ишларимизни давом эттириб, келгусида ҳам ўз танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва Конституциямизда белгилаб берилган барча олижаноб мақсад-муд-даоларимизни сўзсиз амалга ошираемиз.

Азиз юртдошлар! Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эти-тириш ва обод қилиш борасидаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш мақса-дида 2013 йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз эл-юртимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Йил давомида давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб, мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди ва айтиш мумкинки, бу кўпгина масала ва муаммоларни енчишга катта хисса қўшди.

Жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шартли бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни из-

чил давом эттирдик. Ўйлаيمانки, сизлар яхши хабардорсиз, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда аниқ ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.

Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани ҳақида гапирганда, яққол кўзга ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий өнғи билан автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилага ўртача 80 та ҳолодлик, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, пилесос, микротўқилки пеллар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда.

Республикамизда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 миң нафарни ташкил этмоқда.

Албатта, бу рақамлар охириги йилларда аҳолиимизнинг нафақат турмуш даражаси ошиб, аввало, ҳаётимиз сифати тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

2013 йилнинг ўзида қишлоқ ахлига йўрўзор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиярий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур.

Биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 миңдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизга қишлоқ ҳудудларида ташкил этилгани, энг муҳими, касб-хунар коллежлари битирган 500 миңдан зиёд йигит-қизларимизни ишга жойлаштирганлигининг ўзи энг катта ютуқларимиз қаторига кирди.

Яна бир устувор вазиламиз — халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича бажарган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тўғрүқ ёшдаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 миң нафар бола тиббий қўрқдан ўтказилди, 195 миң нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволал корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийси барпо этилди. Қашқадарё вилоятининг Чирочқў туманида тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фаргона вилоятининг Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўйлаб қасалхоналар тубдан реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари ишга туширилди.

Биргина 2013 йилнинг ўзида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак-қон томир касалликларига қилинган 4 миңдан зиёд бемор дардига даво топти.

Наманган ва Урганч шаҳарларида эса юрак қанқанларини алмаштириш, тўма ва ортирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга қўйилди. Нукус, Қарши, Фаргона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини ўзлуксиз мониторинг қилиб бориш амалиёти кенг ўтказилмоқда.

Шунингдек, Урганч, Нукус, Андижон, Самарқанд шаҳарларида лазер нури ва ултраулову ёрдамида турли кўз касалликларини компьютер технологиялари асосида диагностика қилиш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, амалда татбиқ этилаётган диагностика ва даволашнинг мутлақо янги усул ва услубларини, энг замона-

Тараққийтимиз ва фаровонлигимизнинг ҳуқуқий асоси

фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустақамлаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база тақомиллаштирилди. Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, машиий шарафларини янада яхшилаш, янги уй-жойлар ва инфратузилма объектларини қуриш, ма-

лама обод қилиш, халқимиз янада тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бундай ишлар исчил давом этмоқда. Президентимиз Ислам Каримов кириб келаятган янги — 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилишни тақриф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақлифи йиғилганлар томонидан гулдўрос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди. Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан яқунланди.



Уза

Фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир

вий технология ва техникани ҳаётимизга жорий этаётган, беморларимизни даволашда юксак маҳорат ва жонбозлик намойиш этаётган шифокорларимизга барча-барчасининг номи-миздан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Таълим-тарбия тизимини янги bosқичга кўтариш мақсадида анча тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, musiқа ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устaxonалар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Маълумки, шу йилдан эътиборан мамлакатимизда хоржий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб хоржий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаши, етук ва малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар очиб бериши билан айнакча муҳимдир.

Жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Орoлбуғи ҳудудида 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда кам таъминланган oilаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзги оромгоҳларда имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги мустахамланди. Йилдан-йилга кучайиб бораётган бундай амалий ишларимизнинг табиий махсули ва на-тижасини юртдошларимиз, авваломбор, жондан азиз фарзандларимизнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Бу борада баъзи бир мисолларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллагани ҳаммамизга мамнуният етказди.

Ақл-заковат мусобақаси бўлиш шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвоига эришган 8 яшар Нодирбек Абдусатторовни оласими ёки 5 яшар — эътибор беринг, 5 яшар — жажжи ўғлонимиз Исламбек Синдоровнинг Осмё чемпион деган шарафли номга сазовор бўлгани оласими, қани айтинг, азиз дўстлар, бундай ютуқлар билан Фахрланмасдан, гурурланмасдан бўладими?

Мана, яқинда Полшада ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир моҳир спортчимиз — Руслан Нуридуннов спортнинг энг мураккаб тури бўлган оғир атлетика бўйича кескин беллашуварда голибликни қўлга киритди. Хабарингиз бор, бу пахлавон йигит «Ўзбекистон ифтихори» деган юксак унвон билан тақдирланди.

Ватанимизнинг шoну шухратини бутун дунёга таранум этаётган, сафари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъзозласак, арзийди, албатта.

«Обод турмуш йили» деб ном олган йилда қилган катта ишларимиз қаторида янги уй-жойлар барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Бу ҳақда гапирганда, 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилгани ва бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узoқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш керак.

Бизнинг бу ишларимиз нафақат ён-атрофимизда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилнинг апрел ойида янги шу масала бўйича, шунингдек, ноябр ойида кўёш энергиясидан фойдаланишга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этган дунёдаги етакчи мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари ана шундай уй-жойлар, инфратузилма объектлари билан танишиб, бу ишларга юқори баҳо берганидан хабарингиз бор, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай гўзал ва шинам уй-жойларни бунёд этаётган қурувчиларимизга, бизни бу масалада қўллаб-қувватлаб келаётган Осмё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки каби халқаро молия институтиларига халқимиз номидан ҳар қанча миннатдорлик билдирсак айна мудоао бўлур эди. Кадрли дўстлар!

Ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, улкан қурилиш майдонига айланган. Хусусан, вилоятлар марказларини бош режа асосида ривожлантириш мақсадида йирик лoйиҳалар амалга оширилмоқда.

Мисол тариқасида 2013 йилнинг ўзида биргина Урганч шаҳрида 344 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилганини айтиш ўринлидир. Ана шундай катта ҳажмдаги ишлар Қарши, Фаргона, Наманган, Нукус, Жизжаз, Шаҳрисабз, Гулистон ва бошқа шаҳарларда, юртимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам давом эт-

тирилмоқда.

Яна бир муҳим вазифамиз — аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, жорий йилда 213 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 минг 850 километрга яқин сув тармоғи тортилиб, 1 миллион 370 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Шу билан бирга, Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фаргона вилоятларида, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон шаҳарларида янги шу мақсадда 96 миллион доллар қўйматидаги 8 та йирик инвестиция лoйиҳаси амалга оширилмоқда. Бу эса 365 минг аҳоли учун ичимлик суви таъминотини, шунингдек, оқова сув тармоқларини яхшилаш имконини беради.

Йил давомида автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар бажарилди.

Ўзбек миллий автомагистралининг 530 километрик қисмида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, кишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўллар ва 200 километрдан ортқ шаҳар ва посёлка кўчалари таъмирланди.

Кейинги вақтда мамлакатимизда кенг ва раво йўллар қуриш билан бир қаторда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Азим пойтахтимиз Тошкентда ва бошқа шаҳарларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган, кўзни қувонтирадиган автобуслар ва энгил машиналар билан бирга, энг замонавий «Мерседес» автобуслари қатнаётганини, кўча ва майдонларимиз қиёбасини бутунлай ўзгартираётган бундай манзарани кўриб, ҳар қандай одам таъсирланмасдан қолмайди, десам, му-болага бўлмайди.

Шу ўринда бир рақамга алоҳида эътибор-дирғизни қаратмоқчиман. Айни зикр этилган тадбирларнинг барчасини амалга ошириш учун ички инвестициялар билан бирга Жаҳон банки, Осмё тараққиёт банки ва Ислам тараққиёт банкининг 3 миллиард доллардан ортқ маблағини йўналтирилганининг ўзи, ўйлаيمان-ки, кўп нарсадан далолат беради.

Дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди.

Авалло, ана шу мақсадда иккита муҳим қонун қабул қилинди. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича унинг ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди.

Хабарингиз бор, шу қўнларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Бу сайловнинг айнаи шу борада янги таҳрирда қабул қилинган қонун асосида ўтказилаётгани айнакча эътиборлидир.

Жорий йилда маҳаллалар ҳудудида янги гузарлар, савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Азиз юртдошлар! Ҳаммамизга аёниқ, обод турмушини ҳаётимизнинг файзу фаршаси бўлиши муҳтарам аёлларимизнинг oilа ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз одатда опа-сингилларимизнинг турли соҳалар ривожига қўшаётган катта ҳиссасини тан олиш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини ошириш, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий нуфузини кўтариш, оғирини энгил қилиш ҳақида кўп гапираимиз. Лекин мен бу масаланинг бошқа томонига эътибор беришни истардим.

Қачон oilа бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса.

Қачон аёл бахтли бўлади? Авваломбор, унинг болалари, oilа аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса.

Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, oilаси тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса.

Оилавий турмушда, бир қараганда, кўзга ташланмайдиган, лекин шундай муҳим юмушлар борки — бу кр ювиё ёки овқат пишириш бўладими, бола тарбияси бўладими, умуман, уйни саранжом-сарихта тутуш бўладими — бундай рўзгор ташвишларини фақат аёл зоти бажара олади.

Ҳаммамиз яхши биламиз, ҳаёт ташвишсиз бўлмайди, лекин шу ташвишлар камроқ бўлса,

енгилроқ бўлса, ана шунда аёл ҳаётдан рози бўлади.

Биз иқтисодий таъминотни бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан, аёлларимизнинг оғирини энгил қилиш масаласига тобора катта эътибор бермоқдамиз. Жумладан, жорий йилда ҳам бу йўлда кўпгина ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимиз корхоналари томонидан 310 мингга яқин охиона ва уй-рўзгор ашёлари ишлаб чиқарилиб, 130 миллион сўмлик ана шундай буюмлар эҳтиёжманд oilаларга бепул тарқатилгани бунга мисол бўла олади.

Айни вақтда маҳаллалар, турар-жой мавзелирида янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ёпадиган, қондирет маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, oilавий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари барпо этилди.

Опа-сингилларимизга қулай шароит яратишга қаратилган бундай ишларимизни келгусида албатта давом эттирамиз ва бунинг учун маблағ ҳам, имконият ҳам толамиз.

Бунинг яққол тасдиғи сифатида аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганини айтиш зарур. Бу эса ўз навбатида қанча-қанча хотин-қизларга ўз ишини очиб, oilаси, эл-юртимиз учун фойда келтириш, ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Муҳтарам дўстлар! «Обод турмуш йили»да бажарган ишларимиз ҳақида албатта узоқ гапириш мумкин. Мен бу ўринда диққат-эътиборингизни фақатгина битта кўрсаткичга қаратишни лозим, деб ҳисоблайман.

Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширган ишларимизнинг ҳажми ва қўлами қанчалар кенг ва улкан эканидан аққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларига, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, бизга қўмақ берган хоржий ва халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакиллари, шу эзгу йўлда сидқидилдан хизмат қилган барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2014 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб, фикрлашиб олишимиз керак.

Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва барқамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг энг улғур, энг муқаддас орзуси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг қўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олингани сизларга яхши маълум.

Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак bosқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилишни тақлиф этаман.

Кадрли юртдошлар! Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-ўлғайиши кўпгина талаб ва oilмларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин уллар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борки, бу ҳақда алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Биринчидан, соғлом бола — аввало соғлом ва ақил oilанинг мевасидир.

Биз oilани ҳаёт давомидаги таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига қучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга хурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан oilа муҳитида шаклланади.

Табиийки, соғлом боланинг туғилиши би-

ринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандини тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Ана шу жараёнда аёл қандай қўнларни, қандай руҳий ҳолатни бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали ҳомилага таъсир ўтказиши.

Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланб қолмаслиги учун барчамиз жаовбарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намoён қилишимиз даркор. Бундан хулоса шуки, «Соғлом бола йили» давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, oilаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустахамлаш каби масалалар эътиборимиз марказига қўйилиши зарур.

Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён.

Дастурда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари — бу скрининг ва перинатал марказлари бўладими, аёллар тиббий консултантилари, тўғруқона комплекслари бўладими, гинекология ва патронаж хизматлари, кишлоқ врачлик пунктлари бўладими — уларнинг моддий-техник базасини мустахамлаш, замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларимизни кучайтириш ўз ифодасини топиши керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, ҳомиладор аёллар ва гўдакларнинг ўз вақтида ва сифатли овқатлангани, улар учун махсус поливитаминлар, зарур микроэлементлар билан бойитилган махсулотлар ишлаб чиқариш, болаларни доимий тиббий қўриқдан ўтказиш, турли касалликлардан асраб-авайлаш каби тадбирларнинг самарасини янада ошириш лозим.

Барчамиз яхши тушунамизки, соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли айнакча, ота-онанинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли дастурни шакллантиришда тиббий маданиятни оширишга қаратилган кенг қўламли тушунтириш ишларига алоҳида ўрин бериш айна мудоао бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда бўлғуси келин-кувўларни никоҳдан олдин тиббий қўриқдан ўтказиш тартиби жорий этилган бўлиб, бундан қўзланган асосий мақсад соғлом oilа қуриш, соғлом болани дунёга келтириш билан боғлиқ. Лекин, афсуски, инсоннинг ҳаёти туғилжақ, фарзанднинг тақдирига бевосита дахлдор бу масалага баъзан масъулиятсизлик билан қараш, сохта ва юзак хулосалар қиқариш, тиббий маълумотномаларни сотиб олиш каби ҳолатлар ураб туриши барчамизни ташвишга солиши зарур. Айни шу масалалар учун, умуман, болаларнинг соғлом, бeнуқсон бўлиб туғилиши учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини, керак бўлса, жаовбарлигини ошириш вақти келди, деб ўйлайман.

Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

Дастурда мактабгача таълим муассасалари тизимини кенгайтириш, уларни замонавий жиҳозлаш, юқори малакали педагог ва мурабийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлашнинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр — бу бошлангич синф давридир. Ҳаммамиз биламизки, собиқ тузум шароитида бу масалага, афсуски, етарлича аҳамият берилмас эди. Қуйи синфларда дарс бериш асосан ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимларга топшириб қўйилган эди.

Бошлангич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди ва бу вазифани бугунги кунда олий маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар бажармоқда.

Қабул қилинадиган дастурда бошлангич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак.

Айни пайтда, «Соғлом бола йили»нинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизда, айнакча, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб, амалга оширишимиз лозим.

Тўртинчидан, ҳаммамизга аёниқ, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва барка-

мол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт.

Шу мақсадда бу масалага дахлдор ва му-тасадди бўлган қайси соҳа, қайси жараёни олмайлук, уларнинг барчасини ривожлантириш, янги, замонавий bosқичга кўтаришда давлатнинг роли катта экани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, «Соғлом бола йили» дастури таркибида аввало йиллик режаларни белгилаб олиб, турли соҳа ва тармоқлар, айнакча, ижтимоий соҳаларга тааллуқли масалаларни ечиш учун ажратиладиган маблағ бўладими, бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилаётган шароитларни тудғириб бериш бўладими — буларнинг барчасига эътиборни янада кучайтиришимиз зарурлиги ўз-ўзидан равшан, албатта.

Шу билан бирга, бу масала бўйича жаҳон миқёсидаги илғор, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва юртимизда жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинчидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиғи ҳақида, ўйлаيمانки, ор-тиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган мақолида албатта чуқур маъно мужассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро хурмат ва ҳамжихатлик, хушрўлик ва оғоҳлик муҳитини мустахамлашдаги масъулияти янада ортади.

Айнакча, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, oilавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни илҳам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз.

Ўғил-қизларимизни турли тўғаракларга жалб этиш, ҳам таъминланган oilаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш ва яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга янги ваколат ва имкониятлар бериш лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида баён этилган барча устувор вазифаларни амалга ошириш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш талаб этилади.

Кадрли ва муҳтарам ватандoшлар! «Соғлом бола йили»нинг асосий мақсади ва вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» деган ҳикматли иборани яна бир бор эътибор олишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бизнинг мана шу қисқа — йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли балоқазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонига муносиб обрў топишида энг асосий oilмлар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим oilм — бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баянд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдирини ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажак буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган барқамол авлодимиз, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ана шу ҳақиқатни эл-юртимиз чуқур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб-қувватлаётгани бугунги кунда ўз ҳосили ва натижасини бераётгани ва буни бутун дунё тан олаётгани, бизга ҳавас билан қараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Биз таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлиши бодаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, хурмат-эътибор билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган хурмат-эътибор ифодаси деб биламиз.

Мен ишонаман — бутун сизлар билан бирга белгилаб олган, «Соғлом бола йили» дастури деган ном билан амалга оширадиган барча режа ва вазифаларимиз ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Сиз, азизларимни Конституция байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳалол ва фидокорона меҳнатнинг юксак эътирофи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Иқтисодий соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Ватанимиз салоҳиятининг тобора юксалиши, қўллаб янги иш ўринларини барпо этиш, халқимиз ҳаёт фаровонлигини муттасил юксалиб бораётганида асосий oilм бўлмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуюв-механика заводида импорт ўринни босувчи бир неча турда

Акция

Ёшлар, хусусан, олий ўқув юрти талабалари, касб-хунар коллежи ва лицей ўқувчилари ўртасида касба уюшмалари афзалликларини асослаш, бу борада тарғибот ва ташвиқот ишларини изчиллик билан амалга оширишда Касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши томонидан самарали фаолият олиб борилапти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан юртимизнинг қатор олий таълим муассасаларида «Катта ҳаётга — касба уюшмаси билан» акцияси уюшқоқлик ва кўтаринкилик билан ташкил этилди.



Катта ҳаётга — касба уюшмаси билан

Тошкент Ирригация ва мелиорация институтига бўлиб ўтган акцияда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотларнинг Ёшлар кенгашлари аъзолари ҳамда фаоллари, олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган талаба ва ўқувчилар, бошланғич касба уюшма кўмиталари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирда Ёшлар кенгаши аъзолари ва касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирда касба уюшмалари ўз аъзоларига бепул ҳуқуқий ёрдам бериш баробарида, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ҳимойлик кўрсатади. Тадбирда касба уюшмалари ўз аъзоларига бепул ҳуқуқий ёрдам бериш баробарида, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ҳимойлик кўрсатади.

Тадбирда касба уюшмалари ўз аъзоларига бепул ҳуқуқий ёрдам бериш баробарида, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ҳимойлик кўрсатади. Тадбирда касба уюшмалари ўз аъзоларига бепул ҳуқуқий ёрдам бериш баробарида, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ҳимойлик кўрсатади.



Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Тадбирни ТИМИ проректори Тоҳиржон Султонов очди. У йўналганларни Конституция қабул қилинган кун билан кўтириб боришда, шуни кўриш керакки, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида касба уюшмаси билан бўлиш керак. Шунингдек, Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларнинг натижасида бугунги касба уюшмалари фаолиятининг қанчалик муваффақиятли бўлишига эришилганлиги ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Бахтимиз пойдевори мустақкам

Юртимизнинг барча ҳудудларида Бахтимиз Қомуси — мамлакатимиз Конституциясининг 21 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ташкилот ва корхоналар, ўқув юртиларида Асосий Қонунимиз мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилаётган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Жомбой туман кенгаши томонидан шу мавзуда амалий ўқув-семинар ўтказилди.

Тармоқ касба уюшмаси туман кенгашлари, намунали бошланғич касба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этган тадбирда «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Соғлом она, соғлом бола — келажак гарови», «Ободлик кўнглидан бошланади» мавзуларида маърузалар тингланди. Катнашчилар «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиблари томонидан амалга оширилган ибратли ишлар ақ эйтирилган кўргазма билан танишди.

Н. ШАМСИЕВ

Тошкент юридик коллежида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Коллежининг «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбати давомида коллежнинг беш юз нафардан ортиқ ўқитувчи ҳамда ўқувчилари «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат», «Конституциянинг ўзига хос хусусиятлари», «Конституциянинг жамият ҳаётидаги ўрни» мавзуларида маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар Бош Қомусимиз ўзбек халқининг мустақиллик йўлидаги интилиши, суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратишда дастуруламал вазифини ўтаганлигини алоҳида таъкидлашди.

Тўрабек ТўРАЕВ,
ТЮК «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси

Марғилон педагогика коллежида бўлиб ўтган маданий-маърифий тадбирда шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Бахтиёр Собиров «Бош Қомусимизнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти ривожига бекиб ўрни ва аҳамияти» мавзусида маъруза қилди. Нотиқ бугун юртимизда халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституция ва қонунлар асосида демократик давлат барпо этаётганимиз, ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида алоҳида тўхтади.

Муҳаммадҷон МАЎМУДОВ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Мирзаобод туман кенгаши бир гуруҳ фаолларнинг кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида саёҳатини ташкил этди.

Саёҳатчилар мустақиллик йилларида бўлиб эитилган иншоотлар ва ватан тарихининг кўзгуси бўлган ёдгорликларни зўр қизиқиш билан томоша қилди.

— Улуғ айём арафасида уюштирилган ўшбу саёҳат таассуротимизни янада бойитди, — деди кенгаш раиси Баҳодир Аҳроров.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Пойтахтимиздаги 168-мактабда Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Чилонзор тумани кенгаши ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш, ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида «Конституциямиз — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда Бош Қомусимиз қабул қилинган сана ва шу давр оралиғида халқимиз ҳаётида рўй берган тўб ўзгаришлар ҳақида фикр юритилиб, соҳанинг ўрнак курсатган вакиллари муносиб тақдирланди.

Комила БОЙМУРОВА,
«Ishonch» мухбири

Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил қилинган давра суҳбати «Конституция — фаровон турмуш ва тараққиётимиз асоси» деб номланди.

Тошкент Давлат юридик университетининг доценти Шерзод Зулфидоров Конституциянинг яратилиш тарихи тўғрисида гапириб, у жаҳонда тан олинган инсон ҳуқуқларининг барча мезонларига мос келиши, шунингдек, миллий кадриятлар ва анъаналарига уйғун ҳолда ишлаб чиқилганлиги тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида иштирокчилар Темурийлар тарихи Давлат музейини кўздан кечиришди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Навоий вилояти Абдулла Қодирий номидаги Ахборот-кутубхона марказида «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни Ахборот-кутубхона маркази директори Рамазон Ражабов очиб, иштирокчиларни ушбу кўтулғу сана билан табрикланди.

НДПИ тарих факултети катта ўқитувчиси Отанбэй Ошдавлатов «Ўзбекистон Конституцияси демократик тараққиётни таъминлаш ва фуқаролар жамиятини ривожланишининг ҳуқуқий пойдевори» мавзусида маъруза қилди.

— Бу каби тадбирлар талаба-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бирга, Конституция эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат буюк мақсад атрофида бирлаштирувчи муҳим ҳужжат эканлиги ҳақида тушунча ўйғотишга, сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади, — деди А.Қодирий номидаги АКМ Ҳуқуқий адабиётлар сектори муdiri М.Сафарова.

М.ФАҒУРОВА,
вилоят АКМ бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси

Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган маърифий тадбир очик мулоқот тарзида кечди. У бирлашма кенгаши, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан уюштирилди.

Тадбирда сўзга чиққан Қарши Давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди А.Эржаев Конституцияимизнинг қонун устуворлигини асосий мезони эканлигига эътибор қаратиб, қўни давлатдан қўни фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб борилаётган ҳаракатлар ва уларнинг самарасига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистон Конституциясини инсонпарварлик, миллий кадриятлар ва демократик тамойиллари инни-коти эканлигига эътиборни қаратди.

Акмал АБДИЕВИ,
«Ishonch» мухбири

Бухоро шаҳридаги «Daewo-textiele-Bukhara» ишлаб чиқариш корхонасида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида учрашув ўтказилди. Уни вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Нодира Алимова очиб, хотин-қизларнинг бандлиги, меҳнат ҳуқуқлари кафолати, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Бирлашма кенгаши бўлим муdiri Б.Қасимовнинг «Жамоа шартномаларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўлай меҳнат шартлирини яратиш, меҳнат муҳофазасига оид бандларнинг қиритилиши ва бажарилиши устидан жамоатчилик назорати», юридик бўлим муdiri И.Тоҳирнинг «Меҳнат қонунчилигида аёлларнинг ҳуқуқлари кафолатлари» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Тадбир сўнгиде иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берилди.

Лобар БАРАКАЕВА,
Бухоро вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси

Н.РАФИКОВ,
«Ishonch» мухбири

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Самарқанд Давлат университети мажлислар залида бўлиб ўтган «Катта ҳаётга — касба уюшмалари билан» акцияси

Тадбир

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан «Касаба уюшмалари ва ёшлар» мавзuida маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда таниқли фан, маданият ва санъат арбоблари, мамлакатимиз олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган талаба ва ўқувчилар, ёш мутахассислар ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар. Маънавият соатлари доирасида ўтказилган тадбирда сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбековнинг «Конституция — асосий қонуниimiz» мавзuidaги маърузаси тингланди.

Ҳеч ким безътибор қолмайди

Тадбирда ёшларга мамлакатимизда инсонпарварлик, адолатпарварлик каби демократик тамойиллар, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида кенг маълумот берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сийсатини ҳаётга татбиқ этишда муносиб ҳисса кўшмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг иш ўрни муқимлиги борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш йўналишларида тизимли ишлар олиб борилади.

Тадбирда бугунги кунда касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш йўна-

лишида амалга оширилаётган ишлар, бу орқали жамоа шартномалари ва келишувларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, иқтидорли талаба ва ўқувчилар учун таъсис этилган касаба уюшма стипендиялари хусусида ҳам сўз борди.

Таъкидланганидек, мазкур жамоат ташкилоти томонидан касб-хунар коллежларининг 2012-2013 ўқув йили битирувчиларига касаба уюшма маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан 21 минг нафарга яқин касб-хунар коллеж битирувчиси амалиёт ўташ даврида моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Касб-хунар коллежларини битириб ишга жойлашган ёшларнинг 2 минг 414 нафарига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жами 427 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан касб-хунар коллежларининг 2012-2013 ўқув йилидаги 501 минг 148 нафар битирувчисига ишлаб чиқариш амалиётини ўташи

ва уч томонлама шартномалар билан қамраб олинишида кўмаклашилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёшларга миллий қадриятлар ва инсонпарварлик туйғуларини сингдириш мақсадида тизимда қатор акциялар йўлга қўйилганлиги аҳамиятга молик. Хусусан, жорий йилда республика миқёсида ташкил этилган «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ёшлар эътиборида» акцияси доирасида касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши иштирокида 500 нафардан ортиқ йигит-қизлар «Саховат» ва «Мурувват» уйларида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар. 2,5 минг нафарга яқин қариялар ҳолидан хабар олиниб, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни маънавий таҳдидлар таъсиридан ҳимоялашга йўналтирилган акциялар ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширибгина қолмай, маънавий камолотига

ҳам муҳим ҳисса кўшмоқда. Бунда меҳнат жамоаларида бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан тизимли равишда ташкил этиб келинаётган «Маънавият соатлари» юқори аҳамият касб этмоқда.

Тадбир доирасида олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежларида таълим олиш билан бирга, жамоатчилик ишларига муносиб ҳисса кўшиб келаётган, ҳар томонлама намунали ва иқтидорли, шунингдек, кам таъ-

минланган оилалардан бўлган ва жисмоний имконияти чекланган талаба ҳамда ўқувчиларга Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан таъсис этилган стипендиялар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда ўқишда юқори кўрсаткичларни кўлга киритаётган 25 нафар талаба ва ўқувчилар рағбатлантирилди.

— Қўтлуғ байрам санасида касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган стипендияга лойиқ кўрилишим мени беҳад хурсанд этди, — дейди Тошкент фармацевтика институтининг фармацевтика факултети 4-босқич талабаси Санжар Бекмуродов. — Бу мукофот мени руҳлантириш билан бирга, ўз устимда тинмай ишлашга, кўпроқ изланишга, ундайди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари «Кўнгиш» спектаклини томоша қилдилар.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Конституция ва касаба уюшмалари

Бурч ва масъулият уйғунлиги

Халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган, унинг хоҳиш ва иродаси ифодаланган Конституциямиз йигирма бир йилдирки фаровонлигимиз, юртимиз тинчлиги ва мамлакатимиз тараққиётининг асосий омилли сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бош Қомусимизнинг 59-моддасида касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи жамоат бирлашмаси эканлиги эътироф этилган. Конституциямизда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар касаба уюшмалари фаолияти билан бевосита боғлиқ меъёрлардир. Айнан шунга кўра ҳам юқорида қайд этилган шарафли вазифаларни амалга ошириш жамоат ташкилотимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллигини юқори савияда кенг нишонлашда касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этаётир.

Федерация Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 11 ноябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижро учун аъзо ташкилотларга етказилди.

ЎзКУФК томонидан касаба уюшма ходимлари ва фаоллари учун «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз, фаровонлигимиз кафолати» ҳамда «Ўзбекистон Конституцияси — барқарор Конституция» мавзуларида давра суҳбатлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъназмунуни ва моҳияти» мавзuida маъруза ташкил этилди.

Касаба уюшмаларининг Ёшлар кенгаши томонидан Тошкент шаҳридаги учта ҳамда ҳар бир вилоятдан биттадан олий ўқув юртлирининг битирувчи талабалари ўртасида «Катта ҳаётга — касаба уюшмаси билан» акцияси ўтказилмоқда.

Байрам арафасида касаба уюшмалари тизимидаги «Оқтош» санаторийси ва «Шаббода» дам олиш уйида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди.

Федерацияга аъзо ва тасарруфдаги ташкилотларда, меҳнат жамоаларида «Конституция — бахтимиз Қомуси», «Конституциянинг мазмун-моҳияти ва унинг халқимиз ҳаётидаги роли», «Сиз қонунни биласизми?», «Конституция — Бош Қомусимиз», «Конституция — фаровонлигимиз кафолати», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги

Конунда фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатлари», «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар» мавзуларида «Маънавият соатлари» ўтказилди.

Бошланғич ташкилотларда ташкил этилган 6540 та маънавий-маърифий тадбирга 1,3 млн.га яқин, 770 та маданий ва спорт тадбирига 63 минг 350 нафар ишчи-ҳодим, талаба-ёшлар жалб этилди. Худудий Хотин-қизлар комиссиялари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзuida конференциялар ўтказилди.

Байрам муносабати билан касаба уюшмаларининг «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси доирасида 6 минг 425 нафар меҳнат фахрийси, ёлғиз қария, эҳтиёжманд оила вакиллари, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга қарийб 260 млн. сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди.

Республиканинг турли худудларидаги «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларида «Хайр-саховат — Ўзбекистон фазили» мавзuida маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, 14,4 млн. сўмлик хомийлик ёрдамлари уюштирилди.


Корхона, ташкилотларда меҳнат қилаётган 5126 нафар эҳтиёжманд оилалар вакиллари, ёлғиз кексалар, фахрийларга жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 890 млн. сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.

«Конституция — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларининг муҳим пойдевори» шиори остида мустақиллик даврида барпо этилган иншоотларга ишчи-ҳодимлар, ёшларнинг саёҳатлари ташкил этилди. Фақатгина, Федерация Кенгаши қарши «Касаба сайр» унитар корхонаси 1 минг 200 дан ортиқ меҳнатқашларнинг Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухоро шаҳарларига саёҳатини уюштирди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида бўлиб ўтган спорт тадбирлари ишчи-ҳодимлар ва ёшларга байрамона кайфият ва кутаринчилик бағишлади. Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Алоқа, Металлургия ва машинасозлик sanoати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳам таъминланган, иқтидорли талабаларга касаба уюшмалари стипендияси тошдирилди.

Конституциямиз ҳаёتبашлиги ва инсон манфаатларига хизмат қилаётгани билан бугунги ҳаётимиз, фаолиятимизда ўз аксини топмоқда.


Эътиборхон РАҲМОНОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ишлар бўлими бош мутахассиси



8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

«Бекободиселент» ОАМ касаба уюшма кўмитаси мамлакатимиз аҳолисини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги билан кизгин тадбирқилайди.

Юрtdошларимизга соғлиқ-саломатлик, узон умр, бахт-саодат, оилавий хотиржаллик тилаймиз. Дурдмиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлсин!




Очиқ акциядорлик тижорат «Туронбанк» касаба уюшма кўмитаси

Бутун Ўзбекистон аҳлини Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги билан самимий кутлайди.



■ Бор бўл, оқибат!

Умрни савоб безайди

СИРДАРЁ. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Халқаро ногиронлар куни арафасида савобли тадбирлар бошида турди. 2 млн. 271 минг сўмлик совғалар вилоят ногиронлар жамиятига топширилди.

— Саховатга йўрилган бундай тадбирларда вилоят, шаҳар ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар яқиндан кўмак бериб келмоқда. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, солиқ бошқармаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими кўрсатаётган амалий ёрдамлари алоҳида тилга олиш мумкин, — деди вилоят ногиронлар жамияти раиси Мукаррам Абдураимова. Энг муҳими, жамиятимиз аъзолари боқимандалик кайфиятидан йироқ эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Меҳнатнинг турли кўришиларида ўзларини синаб кўриб, яхши натижаларга эришаётир. Биз имкон қадар уларнинг ўз ишларини бошлаши, иқтидор ва салоҳиятларини намоён этган ҳолда, жамиятда ўринларини топишига кўмаклашамиз. Ўзига яраша ютуқларимиз ҳам бор. Сервер Ибрагимов деган йигитимизнинг хунар эгаллашига ёрдамлашгандик. Натижада, техник қурилмалар соzлайдиган уста бўлиб етишди. Бугунги кунда у меҳнати билан одамларга наф келтираяпти.

Барча тармоқ касаба уюшма ташкилотларида хайрия тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Сирдарё туманидаги 71-имконияти чекланган болалар махсус мактаб-интернатида маъмурият ва бошланғич касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир тарбияланувчиларни беҳад хушнуд этди.

— Сардобада ҳам шундай тадбир уюштирилди, — дейди Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси А.Мамарасулов. — Тасарруфдаги муассасаларда ишлайётган кам таъминланган касаба уюшма аъзоларининг уйда ўқитилаётган тўрт нафар ногирон боласига ўқув куроллари совға қилинди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

САМАРҚАНД. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши 61-эшитиши заиф болалар мактаб-интернатида маданий-маърифий тадбир ўтказди.

Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, халқ таълими бошқармаси ҳамда «Мароқанд» нефт маҳсулотлари унитар корхонаси билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирда 256 нафар тарбияланувчи учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Вилоят кўғирчоқ театри спектакли барчага хуш кайфият улашди. Шунингдек, интернат жамоасига кир ювиш воситалари топширилди.

Хайрия тадбирлари доирасида тармоқ касаба уюшмаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Самарқанд шаҳрида яшовчи 1-гурух меҳнат ногирони Ю.Воскобойников ҳамда Ургут туман «Торариқ» маҳалласида яшовчи болалиқдан ногирон Йўлчи Маллаевага ногиронлик аравачалари ҳада ётди.

Кенгаш томонидан 62-, 126-мактаб-интернат тарбияланувчиларининг ҳар бирига юз минг сўмдан эсдалик совғалари ҳамда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан 230 жуфт болалар киши оёқ кийимлари ҳада қилиниб, байрам дастурхони ёзилди.

Орзубек КОЗИМОВ,
Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИда ҳам қатор оммавий, маданий-маърифий ва хайрия тадбирлари ўтказилиб, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламга меҳр-муруват кўрсатилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетидан ногиронлар орасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди. Беллашувда ўттиз нафар хаваскор қатнашди. Иштирокчилар қанчалик ақлий имкониятларга эгалиklarини намоён этди.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан эса мусобақа ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож беш нафар ногирон учун дори-дармонлар харид қилинди. Шу куни мақсадли йўналишларга бирлашма кенгаши тарафидан 1 млн. 500 минг сўм сарфланди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши томонидан эса тармоқда ишловчи ногиронлар орасида ўтган маданий-маърифий ва спорт тадбирларига уюшма ҳисобидан 2 млн. 200 минг сўм ажратилди.

Хўжайли туманидаги Мурувват уйига 200 минг сўмлик, Чимбой туманида жойлашган Мурувват уйига 350 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ушбу туманлар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кенгашлари томонидан олиб берилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲРИдаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика махсус касб-хунар коллежида ўқувчилар (ўғил ва қиз болалар) ўртасида шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича мусобақа ўтказилди.

Хаяжонли кечган бахслар барчада катта таассурот қолдирди. Яқинда шахмат беллашуварларида Сардорбек Мамаражабов, Абдулазиз Холисов ва Жасур Тоштемиров совриндорлар сафидан жой олди. Шашка бўйича Малика Тошмаматова, Шукрали Ниёзов ҳамда Муҳриддин Меликулов кучли учликни ташкил этди. Стол теннисида эса Умид Абдухалилов, Достон Ҳазраткулов ва Жўшқин Уринбоев рақиблиридан кўра чаққонликларини исботлашди.

Тадбир доирасида ўқувчилар ўз қўллари билан яратган дурдгорлик, тикувчилик, зардўзлик намуналари кўргазмаси намоён этилди. Суратлар, миллий зардўзлик намуналарини томоша қилганлар, уларда ўқувчиларнинг сўз билан айта олмаган туйғулари, орзу-умидлари акс этганини ҳис қилишди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти, Қизил ярим ой жамияти Мирзо Улўғбек тумани бўлими ҳамда бошқа ташкилотчи ва ҳамкорларнинг қимматбаҳо совғалари ўқувчиларга топширилди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

«СМ-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси



Бош Қомусимиз — Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг

21 йиллик байрами билан юрtdошларимизни

самимий қўтлайди!

Хонадонимиздан тинчлик-ҳотиржамлик,

файз-барока аримасин!

**Тошкент вилояти касаба уюшма
ташкилотлари бирлашмаси кенгаши**

Юртимиз аҳлини 8 декабр —

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси куни

билан қизгин табриқлайди.

Барча-барчага

сиҳат-саломатлик,

бахтиёр ҳаёт, шодлик ва

муваффақият ёр бўлсин.



Хукуқини билган адашмайди

«Хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муددатларда қўриб чиқиши шарт».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси

Анджон шаҳрида яшовчи 4 нафар фуқаронинг вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлимига ёрдам сўраб ёзган аризалари бўлим ходимларини зудлик билан ишга киришишга ундади. Маълум бўлишича, фуқаролар Г. Абдужалилова, М. Матқубова, Д. Исажонов ва Д. Охунжонованинг меҳнат шартномаси иш берувчи — Анджон шаҳар 2-мишиш касб-ҳунар коллежи маъмурияти ташаббуси билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-бандига асосан бекор қилинган. Бироқ ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ МКнинг 101, 107-моддалари талабларига эид равишда, касабаси уюшмаси қўмитасининг розилиги олинмасдан, етарли асосларга эга бўлмаган ҳолда чиқарилган.

Қонун ҳимоясида

Юридик бўлим фуқароларни ишга қайта тиклаш ҳақида қоллеж маъмуриятига тақдимнома киритди. Натижада, меҳнат-қашарнинг қонуний манфаатлари ҳимояланиб, севимли ишларини давом эттириш имкони яратилди. — Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, — дейди бирлашма юридик бўлими етакчи юристконсулти Х. Усмонов. — Бўлимизга жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 20 та ёзма ва 147 та оғзаки

мурожаат келиб тушди. Улар қонунда белгиланган тартибда ва муددатларда ўрганиб чиқилди. Ариза эгаларига жавоблар тақдим этилди. Шунингдек, бирлашмада фаолият кўрсатган «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат этган 58 на-

сасаларда ташкил этилган 12 та ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга хизмат қилди. Айниқса, Олтинкул туманидаги қасаба уюшма туман кенгашлари, бошланғич ташки-

ларнинг Устав талаблари бўйича фаолиятларини намунали олиб боришга қаратилган «Ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш соҳасида туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг вазифалари ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги семинарлар тўғрисида.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Ўқув

Назария ва амалиёт

ЎзКУФК Ўқув марказида тармоқ касабаси уюшмалари Марказий кенгашларининг масъул ташкилотчилари учун бир ҳафталик ўқув машғулотлари бўлиб ўтмоқда. Унга Анджон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчилар жалб қилган. «Касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш» мавзуси доирасидаги машғулотлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.



Ўқув давомидида касабаси уюшма ташкилотларида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, ижтимоий сўғурта бюджети маблағларидан мақсадли фойдаланишни ташкил этиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан касабаси уюшмаларининг жамоатчилик назоратини ўрнатилиш, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари каби қатор йўналишларда маърузалар тингланди. Амалий машғулотлардан сўнг тест синувлари топширилди. Бундан ташқари, иштирокчилар «Пахтаसानот илмий маркази» очик акциядорлик жамиятида бўлиб, бошланғич ташкилот фаолияти билан яқиндан танишди.

— Иш жараёнинида асқотадиган фойдали билим ва кўникмага эга бўлдик, — дейди Агроеанот мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашнинг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Хусан Бегматов. — Айниқса, қорхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича талабларнинг бажарилиши устидан маъмурий-жамоатчилик назоратини олиб бориш, жамоа шартномаси лойиҳа-

сини экспертизадан ўтказиш борасидаги амалий машғулотлар биз учун ўта фойдали бўлди. Ўқув якунида тингловчиларга ЎзКУФК ўқув марказининг гувоҳномалари топширилади.

Ўз муҳбиримиз. Иқром ҲАСАНОВ олган сурат

Диққат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

«XORAZM KO'CHMAS MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошириш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига қўйидаги давлат активи қўйилади: Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Питнак шаҳри, «Муҳаббат» маҳалласида жойлашган темир бетон бостирма (навес) биноси. Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 604,80 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 604,80 кв. метр. Бошланғич нархи: 40 400 000 сўм. Балансда сакловчи: Хазорасп тумани ҳокимлиги. Фаолияти ихтисоси: Бостирма. Савдо ташкилотчиси: «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ, Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уй, (8-362) 226-88-87, 220100.

Аукцион савдоси 2014 йил 10 январ кунин, соат 11.00 да, Урганч шаҳар, Шерозий кўчаси, 12-уйда ўтказилади. Аукцион савдоси натижалари бўйича қўйилган баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖнинг қўйидаги банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Илоҳте банк» Тинчлик филиали, Х/Р: 20208000804935791001, МФО: 00580, ИНН: 302101924.

Аукционда қатнашишга бюртманнома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунин савдо бошланганидан уч соат олдин тамом бўлади. Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муددатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманномани икки нусхада тақдим этади:

юрдик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилининг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; (нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт).

Аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўлашнинг тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси. Мурожаат учун манзил: Урганч шаҳар, Шерозий кўчаси, 12-уй. Маълумотлар учун телефонлар: (8-362) 226-88-87, +99891-432-88-86. Факс: (8-362) 226-88-87.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.uy-joy.uz. Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақами «Ишонч телефонига» зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Лицензия RR-0054.

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Вихоро филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошириш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

2014 йил 7 январ кунин соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга «Бухорогипс» очик акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма қорхонасининг 05.12.2013 йилдаги 631-сонли бюртмансига асосан қорхона ҳисобидида қўйидаги ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидидаги қўшма мулк объектлари бошланғич баҳоси 10 фоизга пасайтирилган ҳолда тақдоран қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Бухоро вилояти Когон тумани Амиробод қўрғони манзилида жойлашган умумий ер майдони 60 100,0 кв. метр, қурилиш майдони 3 366,76 кв. метр бўлган оҳак заводининг ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари мажмуаси. Бошланғич баҳоси 439 228 800 сўм. 2-ЛОТ. Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Дўстлик кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 7 866,0 кв. метр, қурилиш майдони 1 333,43 кв. метр бўлган 2 қаватли тикув цехи бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси 351 748 170 сўм.

Изоҳ: Савдо қўйиш тартибидида мулк сотилиш қўйиматининг 2% (икки фоиз) миқдоридида «Аукцион ташкилотчиси»нинг хизмат ҳақи алоҳида тўланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюртманнома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш қуллари 2014 йил 6 январ кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорлар диққатига. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулиларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси қўйидаги 10 кунлик мудат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат тўлови учун рекевизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Вихоро филиали, х/р: 20208000500234536002, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Бухоро минтақавий филиали МФО: 00115, СТИР: 207185573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан сотувчи иштирокчида жойига чиқиб танишиш мумкин. Бюртманномаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Вихоро филиали.

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, (4-қавати). Лицензия RR 0170, тел: 8 365 221-59-24. E-mail: rg.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Вихоро филиали Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтқадиган қўйидаги аукцион савдоларига тақлиф этади.

1. 2014 йил 7 январ кунин соат 12:00 да Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ҳамкорлида ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ҳисобидида қўйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибидида қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1999 йилда и/ч, давлат рақами 80/217 МАА бўлган ТСО русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 6 700 000 сўм; 2-ЛОТ. 1999 йилда и/ч, давлат рақами 80/129 МАА бўлган ТСО русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 2 200 000 сўм.

II. 2014 йил 7 январ кунин соат 12:30 да «Аму-Бухороканалқурилиш» очик акциядорлик жамиятига қарашли 2-сон қўшма механизациялашган жамланмаси билан ҳамкорлида ташкил қилинадиган савдоларга қорхона ҳисобидида қўйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибидида қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1989 йилда и/ч, давлат рақами 61-16 БГ бўлган Т-40А русумли трактор. Бошланғич баҳоси 450 000 сўм; 2-ЛОТ. 1991 йилда и/ч, давлат рақами 80/813 КАА бўлган ЗИЛ-130 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 2 100 000 сўм; 3-ЛОТ. 1989 йилда и/ч, давлат рақамисиз бўлган ЭО-2621 А русумли экскаватор. Бошланғич баҳоси 650 000 сўм.

III. 2014 йил 7 январ кунин соат 14:00 да «Бухороагрошарк» ишлаб чиқариш ширкати билан ҳамкорлида ташкил қилинадиган савдоларга ширкат ҳисобидида бошланғич баҳоси 6 200 000 сўм бўлган 1999 йилда и/ч, давлат рақами 80/336 ОАА бўлган ТСО русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

IV. 2014 йил 7 январ кунин соат 14:30 да Вобкент тумани Давлат ветеринария бўлими билан ҳамкорлида ташкил қилинадиган савдоларга қорхона ҳисобидида бошланғич баҳоси 1 500 000 сўм бўлган 1991 йилда и/ч, давлат рақами 80/060 КАА бўлган ФОРДЭС-КОРТ русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

V. 2014 йил 7 январ кунин соат 15:00 да Бухоро вилояти «Чорванас» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорлида ташкил қилинадиган савдоларга жамият ҳисобидида қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1990 йилда и/ч, давлат рақами 80/014 ГАА бўлган ГАЗ-5312 русумли автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 2 720 000 сўм; 2-ЛОТ. 1989 йилда и/ч, давлат рақами 80/143 МАА бўлган ГАЗ-66 русумли автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 2 975 000 сўм.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдоридида белгиланган.

Талабгорлар диққатига. Аукцион савдоси қўйидаги 10 кунлик мудат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва мудатиди олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бюртманномалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан кундан бир кун олдин бўлган мудатта қадр қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулиларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун рекевизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Вихоро филиали СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Бюртманномаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча савдолар бўйича қўйидаги манзилдаги мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Вихоро филиали.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, (4-қават). Тел: 8 365 221-59-24. E-mail, гувоҳнома № 006263.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 7 январда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат улушини сотиб олишга тақлиф этади.

Улушни сотиб олиш шартлари қўйидагича: - энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш; - ушбу «Улуш» учун қўшимча энг юқори инвестиция киритиш мажбуриятини олиш; - янги ишчи ўринлари ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа мудатларга (қўпи билан 1 йил мудат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар: - сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган гаров суммаси; - тақлифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо қўйидаги савдо кунидан бошлаб йигирма кун мудат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш офертасавдосига 3 соат қолганда тўхатилади.

Музокаралар 2014 йил 7 январ кунин соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Ушбу кунин савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 14, 21, 28 январ кунлари соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқариладиган давлат улуши

Table with 7 columns: №, Объект номи, Бино ва иншоотлар майдони (с.к.м.), Объектнинг манзили, Балансда сакловчи, ПК/ВМК, Савдога чиқарилган нархи, Инвестиция тўғрисидаги маълумотлар (с.к.с.м.)

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 9 сентябр ва 18 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган қорхоналар рўйхати

Table with 6 columns: №, Қорхона номи, СТИР, Рўйхатта олинган қарор санаи ва рақми, ХТУТ (ОКРО), Хўжалик судининг қарори рақами ва санаи

Маъзур қорхоналарнинг тавсиси ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалок муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод туман ҳокимлиги Қорхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

У. АҲМЕДОВ, Миробод тумани ДСИ бошлиғи

ТУЗАТИШ

Тошкент вилояти ҳокимлиги ишлар бошқармасининг 2013 йил 3 декабрдаги УД-232-сонли хатига асосан «Ishonch» газетасининг 2013 йил 28 ноябрдаги 144 (3337)-сонда чоп этилган хабарномаси билан, «Respublika mulk markazi» ЕАЖ

«Toshkent mintaqaviy filiali»-нинг аукцион савдоларига чиқарилган, «Тошкент вилояти ҳокимлигига тегшли «АЖ 3303» русумли автотранспорт воситасининг давлат рақами 01 448 QBA ўрнига 01 216 TCA деб ўқилсин. Тел.: (8-371) 233-28-52.

Ифтихор

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрда қабул қилинган «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан тақдирланганлар орасида Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Муроджон Холмуродов ҳам бор. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони берилди.

Велоспорт бўйича Осиё чемпиони М.Холмуродов билан ушбу унвон ҳамда 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ўйинларига тайёргарлик хусусида суҳбатлашдик.

— Муроджон, ушбу хушхабарни қандай қарши олддингиз?
— Авваламбор, хизматларимизни шунчалик юксак баҳолаганликлари учун Президентимизга миннатдорлик билдираман. Истиқлол берган бекиёс имкониятларни барча юрдошларимиз каби биз, спортчилар ҳам ўз ҳаётимиз, эришадиган ютуқларимиз мисолида ҳамisha чуқур ҳис этиб яшаётимиз. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганида Гурланнинг чека бир қўшлогига кўча чагитиб юрган болакай эдим. 1991 йилнинг 31 август кўни отамнинг айтан бир гапи — «Худога шукр, Ўзбекистон мустақил бўлди, энди ҳаммамиз учун катта йўл очилди», деган сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Отам бугун тадбиркор — мебел ишлаб чиқарувчи «Зарбдор» хусусий корхонаси директори, укаларимдан бири хунарманд, бири харбий — катта лейтенант. Мен ва кенжа укам Обиджон спортни танидик. Ҳаммамиз ўз касбимиздан бахт, ҳаётимиздан ҳаловат тояпмиз. Энг муҳими, меҳнатимиз билан эл-юрт тараққиётига озми-кўлими ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

— Кўп нарса шароитга боғлиқ, деганлари бежиз эмас, албатта.
— Мамакатимизда спортнинг барча турлари каби велоспорт ҳам тобора ривожланаётди. Велоспорт

Муроджон ХОЛМУРОДОВ:

«Шу юртда туғилиб, вояга етганим — менинг бахтим!»

федерациясининг бўлимлари ташкил этилиб, ихтисослашган спорт мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Буни ўзим шуғулланган Гурлан туманидаги болалар ва ўсмирлар мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ун уч ёшимдан буён велоспорт билан мунтазам шуғулланаман. Биринчи устозим Омонбой Жумановдан велоспорт сир-асрорини, унинг мураккаб техникасини кўнгил билан ўргандим. Аммо у пайтларда ўрганганларимни намойиш этиш учун болалар ўртасида мусобақалар ўтказилмас эди. Қолаверса, дурустроқ велосипеднинг ўзи йўқ эди.

Бугун эса Гурланда велоспортга ихтисослашган иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби самарали фаолият юритмоқда. Мен ўқиган спорт мактаби бутунлай замонавий



қийфа касб этган: ҳар бир бола ўз велосипедига эга, машгулотлар ҳам замонавий услубларда ташкил этилмоқда, уларнинг истеъдодини юзга чиқариш учун турли мусобақалар, веломарафонлар ташкил этиляпти.

Ўзбек велоспортчилари Осиё китъасида етакчилар қаторида эътироф этилади. Турли нуфузли халқаро турнир, китъа чемпионатлари ва Осиё ўйинларида жамоадoshларим шохсупага кўтарилиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётди.

— Фаолиятингиз давомида эришган муваффақиятларингиз

ҳақида тўхталсангиз.

— Ҳеч эсимдан чиқмайди — профессионал спортчи сифатида илк медалимни ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида кўлга киритгандим. Ушанда Республика олимпия захиралари коллежи талабаси эдим. Мусобақада олтин медал билан тақдирланганимда онгу шууримда велоспорт менинг ҳаётим, энди мен кўпроқ ўз устимда ишлаб, тинимсиз машқ қилиб, янада кўпроқ галаба қозонишим керак, деган орсуният пайдо бўлди.

Кейинчалик Италияда бўлиб ўтган халқаро турнир, Швейцарияда таш-

кил этилган жаҳон чемпионати, Хитойда уюштирилган Осиё ўйинлари тажриба ва маҳоратимни оширишда катта мактаб вази фасини ўтади. 2011 йили Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлиб, Лондон Олимпиадаси йўлнамасини кўлга киритдим.

Яқинда Хиндистоннинг Дехли шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида ўттиз беш давлатдан 760 нафардан зиёд спортчи куч синашди. Мазкур мусобақа мен учун 2016 йилги Олимпия ўйинларига муҳим тайёргарлик бўлди.

Велосшоссе бўйича 40 километр

ҳуққини берадиган лицензияларни кўлга киритиш қоидалари ва шартлари тобора мураккаблашиб бормоқда. Лондон Олимпиадасига қадар бир лицензияни кўлга киритган спортчи велоспортнинг бир неча йўналиши бўйича катнашган бўлса, XXX ёзи Олимпия ўйинлари йўлнамасига эга бўлган спортчи фақат бир йўналиш бўйича иштирок этиши белгилаб қўйилди.

Шу босис Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига ҳозирдан пухта тайёргарлик қўяпмиз. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ўйинларига тайёргарлик қўришига биноан замонавий меъёрлар асосида ўқув-машгулот йиғинларида катнашишимиз, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этишимиз учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

2014 йили китъамиз спортчилари ўртасидаги энг нуфузли мусобақа — Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида, 2015 йили эса Олимпия йўлнамаларини берадиган мусобақаларда муносиб иштирок этишни мақсад қилганмиз. Буларнинг барчаси XXXI ёзи Олимпия ўйинларига тайёргарлик вази фасини ўтади. Мақсадим — велосшоссе бўйлаб Олимпиада шохсупасига кўтарилиш. Мамакатимизда спорт ривож учун барча имконият ва шароит яратиб берилаётгани юксак марраларни забт этишда бемисл куч-гайрат бағишлайди.

— 2016 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ўйинларига тайёргарлик жараёни қандай кечаяпти?
— Олимпиадада иштирок этиш

«Ishonch» мухбири
Нарзулла МАҲАМОВ
суҳбатлашди

Кутлаймиз

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танлови ғолиблари

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги ҳамда Обод турмуш йилида республика касба уюшмалари томонидан юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришдаги иштироки, инсон омилига, айниқса, уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий интелектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиши, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашни кўзлаб яратилаётган имтиёз ва қўлайликлар ҳамда ёшлар қалби ва онгида она юртга муҳаббат туйғуларини янада жўш урдириши, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фаолияти кенг ёритилган ижод намуналарини танлов ҳайъати аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, қуйидагилар «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририятининг «Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танлови ғолиби деб топилди.

ПРОФЕССИОНАЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЙўНАЛИШ БўЙИЧА

- 1-ўрин:**
Дилдора Раҳмонова, «Ishonch» газетасининг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири — «Яшасин яхшилик», «Эзгу ишда савоб кўп», «Ризқи улуг, насибаси кутлуғлар замони» мақолалари учун.
- 2-ўрин:**
Назира Боймуродова, тележурналист — «Либос кўзни қувнатсин», «Устозлар ишончини оқлаган аёл», «Тошкентнинг уста ўғли» мақола ва очерклари учун.
- 3-ўрин:**
Гўзал Норчаева, «Ishonch» газетаси мухбири — «Ёниб яшаш бахти», «Эхтиромга муносиб умр», «Тонгдан тунгача» мақолалари учун.
- Рустам Аҳмадалиев**, журналист — «Озод юрт жилоси» мақоласи учун.

НАРЗУЛЛА МАҲАМОВ, «Ishonch» газетаси мухбири — «Мен ҳам касба уюшмаси аъзосиман» мақоласи учун.

- КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЙўНАЛИШ БўЙИЧА**
- 1-ўрин:**
Ақбар Абдусаматов, Самарқанд вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири — «Фаровонлик асоси» мақоласи учун.
- 2-ўрин:**
Баҳодир Мўминов, касба уюшма фаоли, Наманган вилояти — «Бахт таърифи», «Эзгуликдан мунаввар маскан» каби мақолалари учун.
- 3-ўрин:**
Меҳрибон Тиллаева, Кўшкўпир тумани ҳокимияти ходими, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Кўшкўпир туман кенгаши аъзоси — «Меҳр-эйтибор қалбга қувватдир» мақоласи учун.

2-Тошкент юридик коллежида учта мутахассислик йўналишида 2612 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Коллежда 48 та махсус, умумтаълим ва спорт тўғрисидаги фаолият юритаётганлиги йигит-қизларнинг ҳар томонлама камолотига хизмат қилаётди. Ўқувчилар ҳуқуқий фанлардан олган билимларини амалий машгулотларда мустаҳкамлаш ва ўқув амалиётини турли юридик ҳамда бошқа идораларда ўташ имкониятига эгадирлар.

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, ўқув-тарбия жараёнини илмий методик асосда ташкил этиш ва бошқаришда билим даргоҳи жамоаси сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, маънавий-маърифий ишлар намунали йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, яқинда Халқаро ОИТСга қарши курашиш кўни муносабати билан I-босқич ўқувчилари ўртасида «Биз ОИТСга қаршимиз, соғлом турмуш тарафдоримиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

8 декабр — Ўзбекистон Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг республика босқичи таассуротлар-

га бой бўлди. Унда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасидан вакиллар иштирок этишди.

О.ҲАМДАМОВА,
2-Тошкент юридик коллежи катта ўқитувчиси.

СУРАТДА: коллеж катта ўқитувчиси Ш.Тошқуллова ўқувчилар билан Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашмоқда.

Икром ХАСАНОВ олган сурат

ИПОТЕКА БАНК

Ҳурматли юрдошлар!

Сизни Конституция куни байрами билан табриклаймиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизга ривож тилаймиз.

ЎАР Мўнинг 74-сонли лицензияси

<p>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p> <p>Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p>	<p>Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev</p> <p>Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'Indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).</p>	<p>2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002</p> <p>Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.</p>	<p>Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.</p> <p>Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.</p>	<p>Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy</p> <p>Nashr ko'rsatkichi: 133</p> <p>Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.</p>	<p>Navbatchi muharrir: A. Toshev Navbatchi: U. Ibodinov Musahhih: S. Shodiyeva</p> <p>Bosishga topshirish vaqti - 22.10 Topshirildi - 00.55 E-mail: ishonch2012@gmail.com</p>	<p>Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abduljalilov</p> <p>«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.</p>
--	--	---	---	--	---	---

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Γ — 1211 13521 nusxada bosildi 1 2 3 4 5